

Тошкент кимё-технология институти Ўқув ишлари бўйича проректори т.ф.д., проф. Т.Т.Сафаров ҳамда Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультети декани т.ф.ф.д. (PhD) М.Д.Вапаевларнинг 2023 йил 18-21 июль кунлари Қирғизистон Республикаси Боткен вилоятига уюштирилган хизмат сафари давомида олиб борилган ишлар тўғрисида қисқача


ҲИСОБОТИ

Жорий йилнинг 18 июль кунин Тошкент кимё-технология институтини ўқув ишлари проректори проф. Т.Т.Сафаров ҳамда Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультетини декани М.Д.Вапаевлар 2023-2024 ўқув йили қабулига хорижий абитуриентларни жалб қилиш, Тошкент кимё-технология институтини тақлиф қилинаётган таълим хизматларини тарғиб қилиш мақсадида Қирғизистон Республикаси Боткен



вилояти Лайлак туманига ташриф буюрдик. Бизни Лайлак тумани Раззақов шаҳри депутати Анвар Облабердиевич кутиб олди ва туман марказий кўчалари ва диққатга сазавор жойлари билан таништириб Илк ташрифни Лайлак тумани ҳокимиятидан бошладик. Ҳоким ўринбосари бошчилигидаги мутасаддилар билан учрашиш учун туман ҳокимияти биносига келдик.

Дастлаб ўқув ишлари проректори Т.Т.Сафаров Институмиз фаолияти, халқаро алоқалари ва республикадаги ўрни бўйича маълумотлар бериб ўтди. Институтимиздаги таълим жараёни ва профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, талаба ёшларнинг ютуқларини санаб ўтдилар



Институтимиздаги қабул жараёнига оид қонунчилик янгиликлари, таълим йўналишлари ва магистратура муахассисликлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтди. Олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш тартиби, Хужжатларни қабул қилиш бўйича меъзонларни тушунтириб ўтдилар.

Шундан сўнг ўзбек-қирғиз жамияти директори, депутат Анвар Облобердиевич ҳамроҳлигида Раззақов шаҳри депутатлар кенгаши раиси Сапаев Бақитбек Топобаевич билан учрашдик. Учрашув самимий дўстлик руҳида ўтди ва ҳамкорлик учун ўз миннатдорчилиги билдирди.



Тадбир якунида Раззақов шаҳри депутатлар кенгаши раиси Сапаев Бақитбек Топобаевич шаҳар депутатлар кенгаши қарори билан таълимга қаратилган эътибори учун институтимиз ректори Усманов Ботир Шуқуриллаевични ташаккурнома билан тақдирладилар.


КЎРИЛГАН ЖОЙЛАР:

1. Лайлак тумани ҳокимияти биносига ташриф буюрдик ва ҳоким ўринбосари Каримбердиева Максатай Мамитбековна қабулига кирдик. Хоним бизни яхши кайфият билан кутиб олди ва бизни кўрганидан жуда хурсандлигини билдирди



2. Ҳокимият мутасаддилари билан яккама якка учрашув ўтказилди ва Институтимиздаги шароит ва қабул жараёнлари ўйича тўлиқ маълумотлар берилди ва ўзаро фикрлар алмашилди.

3. Туман мактаб таълими бошқарма бошлиғи билан учрашилди. Лайлак туманидаги ўзбек ва рус тилига ихтисослашган мактаблар ҳақида маълумотлар олинди ва мактаб директорлари билан учрашув ўтказиш режалари тузилди.



4. Лайлак туманидаги ўзбек, рус-ўзбек, қирғиз-ўзбек мактабларининг 9 нафар директорлари билан йиғилиш ўтказилди. Дастлаб мактаб таълими бошқарма бошлиғи мактаб директорлари ва уларнинг фаолияти билан таништириб ўтдилар. Шундан сўнг биз бирин кетин ўз маърузаларимизни бошладик.

ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАСИДА ЕЧИМИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР:

1. Ҳозирги кунда Олий таълим муассаса битирувчисига берилган диплом иккинчи давлатда тан олинадими? Ҳукуматлараро келишув мавжудми?

2. Қирғизистон Республикаси ОТМсида тахсил олаётган талаба (қирғизистон фуқароси) қайси тартибда ўқишини ТКТИга кўчириш мумкин?

3. Хорижий фуқаролар учун Давлат Гранти квоталари ажратиладими. Келажакда бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

4. ТКТИда тахсил олган хорижий талабаларнинг ўқишни битиргач ишлаб қолиш имкониятлари қандай?

Ўқув ишлари бўйича проректор

ЁОБКТ факультети декани



проф. Т.Т.Сафаров

доц. М.Д.Вапаев